

Шохиста Мухаммаджановна СУЛТОНОВА

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети

Умумий тилишунослик кафедраси доценти,
фалсафа доктори PhD
ms.sultana74@mail.ru

МУҚАДДАС КИТОБЛАРДА ЗАМОН ВА МАКОН МАСАЛАСИ ТАЛҚИНИ

КОНЦЕПЦИЯ ВРЕМЕНИ В СВЯЩЕННЫХ ТЕКСТАХ: РЕЛИГИОЗНЫЕ И СВЕТСКИЕ ТОЛКОВАНИЯ

THE CONCEPT OF TIME IN SACRED TEXTS: RELIGIOUS AND SECULAR INTERPRETATIONS

Аннотация: Мақолада муқаддас матнлардаги, хусусан, Қуръон ва Инжилдаги замон таълимоти, унинг инсон ҳаётини тартибга солишдаги роли мисоллар асосида ёритилади. Универсал категория сифатидаги замонни муқаддас матнлардаги замон тўғрисидаги таълимотлар ва замонавий билимлар уйғунлигида ўрганиш масаласи кўтарилди.

Калит сўзлар: дин, муқаддас матн, Қуръони карим, Инжил, замон категорияси, вақт, таълимот.

Аннотация: В статье речь идет о концепции времени в священных текстах, в частности в Коране и Библии, на основе примеров освещается ее роль в регулировании человеческой жизни. Поднимается вопрос изучения универсальной категории времени в гармонии учения о времени в священных текстах и современных знаний.

Ключевые слова: религия, священный текст, Коран, Библия, категория времени, время, учение.

Abstract: The article deals with the concept of time in sacred texts, in particular, the Koran and Bible, based on examples, highlights its role in regulating human life. The question of studying the universal category of time in harmony with the doctrine of time in sacred texts and modern knowledge is raised.

Key words: religion, sacred text, Koran, Bible, category of time, time, conception.

Замон каби мавҳум тушунча ҳозирги замон тилида етарли даражада аниқ таърифга эга бўлмаганлиги туфайли мазкур ҳодиса тўғрисида изоҳли ва махсус луғатларда

берилган (фалсафий, физик, мантикий ва б.) маълумотлар бўйича чексиз фикр билдириш мумкин, шунинг учун ҳам ушбу категория кўплаб баҳсли мунозаралар, илмий тадқиқотлар учун мавзу бўлиб келмоқда. Қизиғи шундаки, замонни ҳодиса сифатида тушуниш қадимда ўзгача бўлган, вақт ўтиши билан унга нисбатан қарашлар ўзгарган. Бизнингча, замон тушунчаси, аввало, халқнинг содда тасавури ва дин (илоҳиёт, муқаддаслик) уйғунлигида шаклланганлиги ушбу категориянинг айнан муқаддас матнлардаги талқинини ўрганишни тақозо қилади.

Илоҳий китоблар муайян динда муқаддас ҳисобланади. Диний таълимотга кўра, Аллоҳ томонидан ўтган пайғамбарларнинг баъзиларига саҳифалар, баъзиларига эса китоблар нозил қилинган. 100 саҳифа ва 4 китоб – 100 саҳифадан 10 саҳифани Одам (а.с)га, 50 саҳифани Шис (а.с)га, 30 саҳифани Идрис (а.с)га, 10 саҳифани Иброҳим (а.с)га юборган. Мусо (а.с)га Таврот, Довуд (а.с)га Забур, Исо (а.с)га Инжил ва Мухаммад (с.а.в) га Қуръонни нозил қилган. Ислом таълимоти бўйича Қуръони карим Аллоҳнинг қиёматгача ҳукми ўзгармайдиган, тилларда ва дилларда сақланиб қоладиган китобидир [4: 108].

Уйғониш даврида бошланган муқаддас матнларни таржима қилиш ва уларга изоҳлар бериш аъёнаси ҳозиргача давом этиб келмоқда (Инжил таржимаси – Институт перевода Библии (ИПБ), Летний институт лингвистики (SIL), Объединенные библейские общества (UBS), Библейское общество Узбекистана; Қуръон таржимаси – Э.Кулиев, Н.Османов, В.М.Порохова, Г.С.Саблуков, И.Ю.Крачковский, Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф, Шайх Абдулазиз Мансур, Шайх Алоуддин Мансур).

Замон мавзусининг ёритилишига қатор китоблар, илмий тадқиқот ишлари бағишланган. Айтиш мумкинки, замон тўғрисидаги мифологик қарашлар мазкур тушунчанинг муқаддаслик заминида пайдо бўлганлигидан дарак беради. Қадимги муқаддас битиклар, муқаддас китоблар (самовий ҳамда дунёвий) нафақат улар ёзилган тилларни, ёзувларни, балки унда қайд этилган матнларни, шунингдек, ҳар бир каломни муқаддаслик даражасига кўтарди. Бироқ, ҳар бир инсонга диний эътиқод она тили орқали сингдирилишини эътиборга олган ҳолда, мазкур тадқиқотда мусулмонларнинг муқаддас

Қуръон китобидаги замон талкини ва улардаги мисоллар таҳлили Қуръоннинг ўзбек тилидаги вариантларига (қўпроқ Шайх Абдулазиз Мансур таржимасига), христиан халқларининг Инжил китобидаги замон таълимоти таҳлили унинг рус тилидаги варианты (Библия)га асосланиб олиб борилди. Қолаверса, таржима жараёнида таржима қилинаётган тил ва унинг эгаси бўлган халқ хусусиятлари инобатга олинishi таржима асарининг лингвомаданий жиҳатини кучайтиради.

Тадқиқ қилинаётган муқаддас матнлардаги замон категориясининг лингвомаданий хусусиятлари яҳудий ёки араб халқлари маданиятига хос дейиш мумкин, аммо ушбу китоблардаги замон таълимоти ўзга тил эгалари ҳаётига чуқур кириб боргани ҳамда муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги турли халқлар маданиятида универсаллик шаклланишини кўрсатади. Демак, Қуръони карим ёки Инжилни муқаддас китоб сифатида қабул қилган халқлар учун замон категориясининг талкини ўхшаш лингвомаданий хусусиятларини намоён қилади.

Ўзбек тилига таржима қилинган диний матнларни тадқиқ қилган олим Н.М.Улуқов шундай ёзади: “Ҳар бир миллат, жумладан, араб халқи ўзига хос яшаш шароити, тили, маданияти, психологик хусусиятлари, ҳуллас, миллий характериға, урф-одатиға эға. Худди ана шу миллат, халқнинг ўзига хос хусусиятлари таржима қилинаётган матнда акс этган бўлади. Таржима назарияси талабларидан келиб чиқиб, таржимон асл матндаги юқорида тилға олинган хусусиятлар мажмуи бўлган миллий колоритни, ёзувчи услубини сақлаб қолган ҳолда, матн мазмунини ўзга тилға ўгириши лозим” [8: 42]. Демак, айтиш мумкинки, Қуръонда ҳам қўплаб арабча сўзлар таржима қилинмаган, улар муқаддас матнларнинг ўзига хос маркерлари бўлиб хизмат қилган.

Қуръони каримда замон категорияси ўзига хос талкинға эға бўлиб, ушбу таълимотни ўрганиш замон масаласи тадқиқидаги баъзи қирраларнинг тўлиқроқ ёритилишиға хизмат қилади. Масалан, қадимда замон ҳисоби ҳозиргидек соат кўрсаткичларига асосланмаган, аксинча, табиат ҳодисалари ёки маиший турмуш элементлари воситасида олиб борилган. Қуръонда ҳам вақт ўлчови турли мўлжаллар ёрдамида амалға оширилганлигини кўриш мумкин: ...Шунингдек, тонггача, яъни оқ ипни қора ипдан ажратса бўладиган вақтгача еб-ичаверинглар. Сўнгра кечгача (куёш ботгунча)

рўзани бенуқсон қилиб тутинглар!... [Қуръони карим, 2:187]. Кўриб турганимиздек, кун ва тунни фарқлаш учун куёш ва ой, дақиқалар учун оқ ва қора ип вақт ўлчови воситаси сифатида намоён бўлмоқда.

Ҳозирги замон илм-фан ютуқлари (кашфийётлари) га асосланган ҳолда замон тўғрисида талай қарашлар илгари сурилмоқда. Жумладан, материалистлар фикрича, замон мутлақ категория эмас, балки нисбий идрокнинг ўзи, холос. Бироқ илм-фан томонидан XX асрга қадар эришилмаган маълумотлар 14 аср илгари самодан вожиб бўлган муқаддас Қуръонда акс эттирилганлигини ҳам таъкидлаш лозим.

Қуръони каримда замон категориясининг нисбийлигига ишора қилувчи қўплаб оятлар мавжуд. Жумладан, Қуръонда инсон учун бу дунёдаги ҳаёт ўта қисқа давр ҳисобланиши тўғрисида шундай дейилади: “У сизларни чорлайдиган кунда Унга ҳамд (айтиш) жавоб берурсизлар ва ўзларингизнинг (дунёда) оз (муддат)гина турганларингизни ўйлаб қолурсизлар” [Қуръони карим, 17:52].

Қиёмат Кунни Аллоҳнинг ҳузуриға чорланган одамлар билан бўлган суҳбат юқоридаги фикрнинг исботи бўла олади: “*Ерда* йиллар ҳисоби бўйича қанча турдингизлар?” – дейди (Аллоҳ). Улар айтадилар: “Бир кун ёки ярим кун. Санаб тургувчи (фаришталар) дан сўрагин”. (Аллоҳ) дейди: “Агар сизлар биладиган бўлсангизлар (дунёда) жуда оз турдингизлар” [Қуръони карим, 23: 112-114].

Баъзи оятларда инсон учун замонни аъло даражада идрок қилиш хос эканлиги таъкидланади, яъни жуда қисқа вақт оралиғи у томонидан ноодатий узундек қабул қилиниши мумкин. Ушбу ҳодисани Қуръонда тасвирланган, барчаға маълум бўлган “Меърож”, яъни Аллоҳ ҳузуриға кўтарилиш қиссасидан билиш мумкин. Бу ҳақида “Ал-исро” сурасида хабар берилади: “(Ўз) бандаси (Мухаммад) ни – унга оят-мўъжизаларимиздан кўрсатиш учун тунда (Маккадаги) Масжидул-Ҳаромдан (Қуддусдаги) Биз атрофини баракотли қилиб қўйган Масжидул Ақсоға сайр қилдирган зотға тасбеҳ айтилу. *Дарҳақиқат*, У эшитгувчи ва кўргувчидир” [Қуръони карим, 17:1].

Фалсафанинг муҳим фундаментал категориялари ҳисобланган замон ва макон категориялари ўртасидаги доимий алоқа ушбу китобда бир неча марта қайд қилинади: “Сулаймонға эрталаб бир ойлик, кечки бир ойлик (масофани босиб ўтадиган) шамолни

(бўйсундирдик) ва унинг учун мис булогини оқизиб қўйдик...” [Қуръони карим, 34:12].

Қуръони карим мусулмон дунёсининг дастурул амали сифатида инсон ҳаётининг мазмун-моҳиятини ёритиш, яъни Парвардигор томонидан фарз қилинган амалларни ўз вақтида бажариш, қиёмат кунида гўзал оқибатга эришиш ва абадий бахтли ҳаётга лойиқ бўлишни тарғиб қилар экан, вақтни бекор ўтказмаслик, ундан тўғри фойдаланиш, яъни Аллоҳ олдидаги вазифаларни бажаришни уқтиради. Табиийки, ҳар бир фикр ифодасида замонни ифодаловчи сўзлар иштирок этади: “...(Тонгда уйкудан) турган пайтингизда, Раббингизга ҳамд билан тасбеҳ айтинг!” [Қуръони карим, 52: 48]. “*Шунингдек, кечадан (вақт ажратиб) ва юлдузлар юз ўғиргач (ботгач)* (саҳарда) ҳам Унга тасбеҳ айтинг!” [Қуръони карим, 52: 49].

Унда келтирилган оятлардан англашиладики, бу фоний дунё қадриятлари олдида инсон алданиб, охиратни унутиши мумкин. Аслида бу дунё жуда қисқалиги ва жуда тез фурсатда ўтиб кетиши турли ўхшатишлар ёрдамида изоҳланади: “Билингларики, бу дунё ҳаёти фақат ўйин, беҳудалик, зийнат, ўзаро фахрланиш ва мол-дунё ҳамда фарзандларни кўпайтиришдан иборатдир... *Охиратда эса* (қай бирларингиз учун) қаттиқ азоб ва (қай бирларингиз учун) Аллоҳ томонидан мағфират ва ризолик бордир. Дунё ҳаёти эса фақат алдов матосидир” [Қуръони карим, 57:20]. Дарҳақиқат, бугунги кунда инсонлар ўзларига кейинчалик зиён-заҳмат етказиши мумкин бўлган нарсаларни қадрият сифатида тушунаётганларининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Қуръони карим эса ҳар қандай ҳолатда ҳам қалбан бойликни ҳис қилиш, соғликни авайлаш, муомала маданияти ва бағрикенглик кўникмасини ҳосил қилиш каби қатор имкониятларни тақдим қилади.

Қуръонда энг муқаддас ҳисобланган тушунчаларга қасам келтирилади: “Қасамёд этаман ёмғирли осмонга ва (у сабабли) ёриб чиқиш (дон-дун, ўт-ўлан) эгаси бўлмиш Ергаки шубҳасиз, у (Қуръон) ажрим этувчи (қатъий) Сўздир” [Қуръони карим, 86: 11-13]. “*Йўқ!* Ойга қасам, ўтиб кетган тунга қасам, ёришиб келаётган тонга қасамки, албатта у (жаҳаннам) улкан (бало)лардан биридир” [Қуръони карим, 74: 32-33-34]. Шулар қаторида вақт (замон)га ҳам қасам келтирилиши ушбу категориянинг дунё тузилиши, мавжуд бўлиши, хусусан, инсон ҳаёти учун қанчалик аҳамиятли эканлигини яна

бир бор исботлайди: “Аср (вақти)га қасамки, (ҳар бир) *инсон зиён* (бахтсизлик)дадир. 3. Фақат имон келтирган ва солиҳ амалларни қилган, бир-бирларига Ҳақ (йўли)ни тавсия этган ва бир-бирларига сабрли бўлишни тавсия этган зотларгина (бундан мустаснодирлар)” [Қуръони карим, 103:1-3].

Мазкур суранинг аҳамияти ҳақида Имом Шофеъий раҳматуллоҳи: “Агар шу сурадан бошқа сура тушмаганда ҳам, одамларга кифоя қиларди”, деган эканлар [9: 5/533-6.].

Ушбу сура бир вақтнинг ўзида инсон учун ҳам химоячи, ҳам айбловчи, ҳам гувоҳ ва ҳам қози ҳисобланади. Ҳар бир киши мазкур сурага амал қилган ҳолда муваффақиятга эришиши ёки уни рад қилган ҳолда зиён кўриши ҳам мумкин.

Қуръони каримдаги замон масаласига тааллуқли оятларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, Аллоҳ замон ва макон категорияларининг яратувчиси сифатида улар устидан ҳукмронлик қилиши мумкин, инсон эса ҳар бир хатти-ҳаракатини замон билан ҳисоблашмай амалга ошира олмаса-да, ҳаттоки, ўзи ғафлатда ўтказган вақт оралигини аниқлашда ҳам ожиз. Ушбу таълимотдан келиб чиқиб, замоннинг мутлақ объектив категория сифатидаги илмий таърифи муқаддас матнларда инкор қилинади.

Инжилда ҳам замон масаласи содда усулда ёритилган. Ундаги муқаддас таълимотга кўра, Худо замондан ташқарида, унга бўйсунмаган ҳолда бевосита абадий мавжуд бўлади ва Парвардигор абадий Худо ҳисобланади, шунингдек, кўриш мумкин бўлган (яъни моддий) нарсалар вақтинчалик, кўринмайдиган (яъни рухий) нарсалар эса абадий бўлади: «...*видимое временно, а невидимое вечно*» [Коринфянам 4:18]. Инжилга мувофиқ Худо – бу Рух: «*Господь есть Дух*» [Коринфянам 3:17]. «*Бог есть дух*» [Иоанна 4:24].

Замон тўғрисида гапирганда шуни ёдда тутиш лозимки, замон ва абадийлик турли дунёларга тегишли бўлган мавжуд бўлишнинг икки ҳар хил усуллари ҳисобланади. Ушбу дунёлар параллел равишда мавжуд бўлади, аммо кўринадиган ва кўринмайдиган дунёлар каби тубдан фарқ қилмайди. Замон – бу кўринадиган, физик, моддий оламнинг атрибути ҳисобланади. У борлиқ (қоинот) пайдо бўлиши билан вужудга келган. Инжилда ҳам таъкидланишича, замоннинг бошланиши Худо борлиқни (қоинотни) ярата бошлаши

билан боғлиқ бўлган. Ушбу пайтни Худо “бошланиш” деб атаиди: *«В начале сотворил Бог небо и землю» [Бытие 1:1]*. Шунингдек, само ёритгичларини (куёш ва юлдузларни) Худо инсонлар замонни ҳисоблаши ва кунларни бир-биридан фарқлаши учун яратганлиги ҳақида сўз юритилади: *«И сказал Бог: да будут светила на тверди небесной для отделения дня от ночи, и для знамений, и времен, и дней, и годов» [Бытие 1:14]*.

Мазкур муқаддас китобда замон нима мақсадда яратилгани ҳам ўзига хос тарзда тушунтирилади. Замон нисбий тушунча бўлишига қарамай, у материя билан боғлиқ. Худо борлиқни (коинотни) ва унда ўзаро узвий боғлиқ бўлувчи икки субстанция (моҳият)ни яратишни режалаштирди. Улардан бирининг якун топиши иккинчисига бўлган эҳтиёжнинг йўқолишига олиб келади, яъни замон материя мавжуд бўлиш вақтини чекловчи тушунча ҳамдир: *«Не определено ли человеку время на земле, и дни его не то же ли, что дни наемника?» [Иов 7:1]. «Когда умрет человек, то будет ли он опять жить? Во все дни определенного мне времени я ожидал бы, пока придет мне смена» [Иов 14:14]*.

Замон инсоннинг яшаш давомийлигини кўрсатади. Худо ҳар бир инсон умри учун маълум вақтни белгилаб қўйди ҳамда мавжуд бўлиш даврида Худони топиш имконияти бўлишини назарда тутди: *«Не сокрыты были от Тебя кости мои, когда я созидаем был в тайне, образуем был во глубине утробы. Зародыши мой видели очи Твои; в Твоей книге записаны все дни, для меня назначенные, когда ни одного из них еще не было» [Псалтирь 138:15-16]*.

Инсон умрининг давомийлиги Худонинг ихтиёрида, у жуда қисқа, шунинг учун у бугга, ўсимликларнинг гуллашига, сояга қиёсланади, шунингдек, Худо учун бу давр ҳеч нарса эмаслиги таъкидланади: *«Вот, Ты дал мне дни, как пяди, и век мой как ничто пред Тобою. Подлинно, совершенная суета – всякий человек живущий» [Псалтирь 38:6]*.

Ердаги ҳаёт ўз қийинчиликлари ва ғам-ташвишлари билан инсон ўлиmidан сўнг кутиладиган мангулик олдида вақтинчалик ҳисобланади: *«Ибо думаю, что нынешние временные страдания ничего не стоят в сравнении с тою славой, которая откроется в нас» [Римлянам 8:18]*.

Ибтидонинг интихоси ҳам бор. Замоннинг бошланиши бўлганидек, охири ҳам бўлиши

керак. Бу масаланинг ечимини ҳам Инжилдан топиш мумкин: *«Я вам сказываю, братия: время уже коротко, так что имеющие жен должны быть, как не имеющие; и плачущие, как не плачущие; и радующиеся, как не радующиеся; и покупающие, как не приобретающие; и пользующиеся миром сим, как не пользующиеся; ибо проходит образ мира сего» [1 Коринфянам 7:29-31]*.

Борлиқнинг йўқ қилиниши (оламнинг якун топиши, охир замон) замон охири билан боғланади. Шунинг учун оламнинг якун топиши Инжилда асрнинг интихоси тарзида номланган: *«Он же сказал им в ответ: сеющий доброе семя есть Сын Человеческий; поле есть мир; доброе семя, это сыны Царствия, а плевелы – сыны лукавого; враг, посеявший их, есть диавол; жатва есть кончина века, а жнецы суть Ангелы. Посему как собирают плевелы и огнем сжигают, так будет при кончине века сего» [Матфея 13:37-40]*.

Оламнинг якун топиши (охир замон), шунингдек, Исо Масихнинг иккинчи марта дунёга келиши билан боғланади: *«Придет же день Господень, как тать ночью, и тогда небеса с шумом прейдут, стихии же, разгоревшись, разрушатся, земля и все дела на ней сгорят» [2 Петра 3:10]*.

Худонинг иродаси билан ҳар бир киши тавба қилиши лозим. Бу эса Худого етишиш билан белгиланган инсон ҳаётининг мазмуни ҳисобланади: *«Итак, оставляя времена неведения, Бог ныне повелевает людям всем повсюду покаяться» [Деяния 17:30]*.

Худонинг ер юзидаги энг доно вакили бўлмиш Сулаймон шундай дейди: *«Всему своё время, и время всякой вещи под небом: время рождаться, и время умирать; время насаждать, и время вырывать посаженное; время убивать, и время врачевать; время разрушать, и время строить; время плакать, и время смеяться; время сетовать, и время плясать; время разбрасывать камни, и время собирать камни; время обнимать, и время уклоняться от объятий; время искать, и время терять; время сберегать, и время бросать; время раздирать, и время шивать; время молчать, и время говорить; время любить, и время ненавидеть; время войне, и время миру» [Екклесиаст 3:1-8]*. Ушбу мисолда ҳам вақт (замон)нинг аҳамияти ва унинг Худонинг амрида эканлиги қайта ва қайта таъкидланган.

Шундай қилиб, ҳар нарсанинг вақти-соати бор ва у само орқали белгиланади. Демак,

инсон қачондир дунёга келган экан, қачондир у ҳаётдан кўз юмади. Ўлимидан сўнг эса замон мавжуд бўлмайдиган абадийликка юз тутди. Инжилда инсон ўлимидан сўнг ёки Дўзах (Худосиз абадий ҳаёт)га, ёки Жаннат (Худо билан абадий ҳаёт)га тушиши тўғрисида огоҳлантирилади: *«Многие из спящих в прахе земли пробудятся, одни для жизни вечной, другие на вечное поругание и посрамление»* [Даниил 12:2]. *«И пойдут сии в муку вечную, а праведники в жизнь вечную»* [Матфея 25:46].

Инжил вақтдан тўғри фойдаланиш тўғрисида ҳам таълим беради, яъни охир замон яқинлашаётганини, сўнгги кунларни бошдан кечираётганини билган ҳолда, инсон ўз умрини кўрқув ва хавотир билан яшаб ўтиши, вақтни кадрлаши ҳамда берилган вақтдан оқилона фойдаланиш муаммоси устида бош қотириши зарурлигини, зеро, бу умрнинг мазмун-моҳияти эканлигини эътироф этади:

«Научи нас так считать дни наши, чтобы нам приобрести сердце мудрое» [Псалтирь 89:12]. «Итак, смотрите, поступайте осторожно, не как неразумные, но как мудрые, дорожа временем, потому что дни лукавы» [Послание к Ефесеям 5:15,16]. «...теряем лета наши, как звук» [Псалом 89:9]. «Научи нас так считать дни наши, чтоб нам приобрести сердце мудрое» [Псалом 89:12]. «Забывает ли девица украшение свое и невеста — наряд свой? а народ Мой забыл Меня, — нет числа дням» [Иеремия 2:32].

Ушбу сўзлар орқали инсонлар ғанимат ҳисобланган вақт ҳисобини тўғри олиб боришлари, ақл билан иш тутишлари образли ифодаланишини кўриш мумкин. Бундан ташқари, ҳар бир иш учун белгиланган вақтни рационал сарфлаш, бу билан кутилмаган иш, юмуш ёки тадбирлар учун бўш вақт қолдириш лозимлиги ҳам уқтирилади: «Всему свое время, и время всякой вещи под небом» [Екклесиаст 3:1].

Уйқунинг ғафлат эканлиги, кўп ухлаган одам моддий фаровонликка етишолмаслиги тўғрисида огоҳлантирилади, аксинча, ҳар доим сергак бўлган киши камлик кўрмаслиги ифодаланади: «Не люби спать, чтобы тебе не обеднеть; держи открытыми глаза твои, и будешь досыта есть хлеб» [Притчи 20:13]. Ҳақиқатан, доимий фаолиятда бўлиш, фойдали ишларни амалга ошириш, кўп вақтни уйқуга сарфламаслик барча даврларнинг, шу жумладан, ҳозирги куннинг ҳам талаби ҳисобланади.

Ушбу оддий ва самимий баён қилинган ҳақиқатлар инсонга ўз ҳаётини тинчлик,

хотиржамлик, фаровонлик ва мазмун билан тўлақонли бойитишига ёрдам бериши аниқ. Биргина замон тўғрисидаги таълимотнинг ўзи ҳам инсон тарбияси, камолотида ўта муҳим ўрин тутди. Шунинг учун бу таълимот ҳар қандай замонда ҳам ўз бебаҳо қийматини йўқотмайди ва тилнинг фаол қатламида ўрнашиб қолаверади.

Зеро, замондек универсал категорияни муқаддас матнлардаги замон тўғрисидаги таълимотлар ва замонвий билимлар уйғунлигида ўрганиш у ҳақида асоссиз ва янглиш фикрлар билдиришнинг олдини олади. Хулоса қилиб айтганда, Қуръони карим ва Инжил китобларида замон таълимоти ушбу категориянинг муқаддаслик хусусиятини намоён қилиб, инсониятнинг замонда тақсимланадиган фаолиятини тартибга солувчи қоидалар мажмуи сифатида талқин қилинади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржимаси. — Тошкент: Тошкент ислом университети, 2001. — 618 б.
2. Аверинцев С.С. Собрание сочинений. Связь времён. — Киев: Дух і Літера, 2005. — 448 с.
3. Библия. Книги священного писания Ветхого и Нового Завета. — М.: Российское библейское общество, 1999. — 291 с.
4. Ислам. Энциклопедия: А-Х / 3. Хусниддинов таҳрири остида. — Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2003. — 313 б.
5. Коновалова Н.И. Сакральный текст как лингвокультурный феномен: автореф. дис. ... д-ра филол. наук. — М., 2007. — 47 с.
6. Логический анализ языка: Язык и время. — М.: Индрик, 1997. — 351 с.
7. Рейхенбах Г. Философия пространства и времени. — М.: Прогресс, 1985. — 344 с.
8. Улуков Н. Ўзбекча диний матнлар экзотик лексикаси. Ф.ф.н. дис. автореферети. — Тошкент, 1997. — 28 б.
9. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 6 жилдлик. — Тошкент: Шарқ, 2009.
10. Шифман И.Ш. Ветхий Завет и его мир. — СПб.: Изд-во С.-Петербург. ун-та, 2007. — 216 с.
11. Қуръони Карим. (Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур) — Т.: Чўлпон, 1992. — 544 б.
12. Хайдеггер М. Время и бытие. — М.: Республика, 1993. — 447 с.
13. Ҳайруллаев М. Форобий ва унинг фалсафий рисолалари. — Т., 1963. — 284 б.
14. Ҳақимова М. Ўзбек тилида вақт маъноли луғавий бирликлар ва уларнинг матн шакллантириш имкониятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. — Фарғона: НДА., 2004. — 141 б.